

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ» ФАКУЛЬТЕТИ



**«ИҚТИСОДИЁТ ВА ҚЎЧМАС МУЛКНИ БОШҚАРИШ»
КАФЕДРАСИ**

“ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИ” фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: Қурилиш ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини
аниклаш.**



Бажарди: ҚИ-14 гуруҳ магистранти

Шамсиддинов Х.Ш.

Қабул қилди: проф. Джабリエв А.Н.

2015-2016 ўқув йили

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I-БОБ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	5
1.1. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари.....	5
1.2. Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилашнинг таркиби, тузилиши ва услублари.....	7
1.3. Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари.....	11
Рентабеллик ва уни қурилишда ошириш йўллари.....	15
II-БОБ.ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ ТАХЛИЛИ.....	20
2.1. Қурилиш ташкилоти фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш.....	20
2.2. Қурилиш ташкилотининг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоб-китоби.....	22
2.3. Айланма капиталга бўлган эҳтиёжни ҳисоб-китоби.....	27
2.4. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш ташкилотларининг фаолияти имкониятлари ва фойдалилик даражасини баҳолаш.....	30
2.5. Қурилиш ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	31
2.6. Маржинал таҳлил асосида қурилиш ташкилотлари фаолиятининг зарар кўриб ишламаслигини режалаштириш.....	33
Хулоса.....	36
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	38

КИРИШ

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юз бераётган ўзгаришларнинг бугунги босқичида таълим соҳасида сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Бу тизим, бутун иқтисодиёт тизими каби янги жиҳатлар, янги йўналишлар, янги ёндашув ва мазмун касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти бугунги кунда фаннинг турли соҳаларида чуқур билимга эга бўлган, мустақил ҳисоб-китоблар юрита оладиган, тўғри хулосалар чиқара оладиган ва истиқболни белгилай оладиган малакали мутахассисларга сезиларли эҳтиёж сезмоқда.

Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устивор йўналишларини яхши тушуниш, капитални янги қурилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни, ресурслардан фойдаланиш, бошқарув, тадбиркорлик ва бизнесни билиш бугунги кундаги мутахассислар учун жуда муҳимдир. Шунингдек, улар учун иқтисодиёт бошқарувидаги турли миқёсларда ишлаб чиқиляётган инвестицион ечимлар ва лойиҳаларни танлаб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини билиш жуда муҳимдир.

Ушбу курсни ўрганиш **объекти** - миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи ҳисобланган қурилиш ва унинг ишлаб чиқариш бўғинлари - қурилиш бошқармалари, трестлар, қурилиш индустриясидаги саноат корхоналари, лойиҳалаш муассасалари ва бошқа уларга тенглаштирилган хўжалик субъектларидир.

Курснинг ўрганиш предмети эса қурилиш ишлаб чиқаришининг ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, шунингдек, бевосита қурилиш корхоналари иқтисодиётига доир масалалар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилишда бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларидир.

Курснинг асосий мақсади - талабаларга қурилиш иқтисодиёти соҳасидаги билимларни бериш, қурилишнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги алоҳида ўрни, инвестициялаш стратегияси ва тактикаси, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, олинган билимлардан хўжалик амалиётида маҳорат билан фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларига ҳам амалда татбиқ эта олишни ўргатишдир.

Курснинг асосий вазифалари талабаларга қуйидаги билимларни беришдан иборат:

- иқтисодиётдаги ўзгаришларни ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги роли ва ўрни;
- қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг замонавий тизимини, қурилиш жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари;
- инвестиция лойиҳалари ва ечимларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари;
- қурилиш индустриясининг ресурс салоҳиятини ўрганиш ва ундан ресурслар ва вақт омили чекланган шароитларда фойдаланишнинг оқилона йўллари аниқлаш;
- қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари;
- иқтисодиётни бошқаришнинг турли поғоналарида қурилиш ва инвестиция мақсадларни режалаштириш, прогнозлаш, молиялаштириш ва кредитлаш асосларини ўзлаштириш.

I-БОБ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари

Қурилишда баҳо белгилаш сиёсати умумдават баҳолаш сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Нарх ёрдамида давлат ва хўжалик субъектлари, шу жумладан корхоналар ва қурилиш саноати ташкилотлари жамиятнинг зарурий сарф—ҳаражатларини режалаштириш ва бошқаришни амалга оширади, керакли ишлаб чиқариш мутаносибликларига риоя қилади, маҳсулот ҳаражатлари ва олинган натижаларни баҳолайди. Бошқача қилиб айтганда, нарх ёрдамида иқтисодий категория сифатида талаб ва таклиф ўртасидаги мувофиқлик тaminланади, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболли дастурлари белгиланади.

Нархнинг асосий вазифаси - маҳсулот қийматини миқдорий ифодаланишидир. У ялпи ва товар қурилиш маҳсулоти, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, капитал маблағлар ҳажми, иш ҳақи фонди ва бошқаларни белгилаш учун фойдаланилади.

Бозор муносабатлари шароитида нарх ҳеч ким томонидан бошқарилмайди, баъзи одамларга бошқарилувчи – режалаштирилган иқтисод шароитида ҳаракат қилувчи «баҳолаш» органи, Давнарх қўмитасини ташкил қилиш зарурияти ҳақида тез-тез қумсашни туғдиради деган тассурот пайдо бўлади. Лекин аслини олганда вазият сал бошқачароқ. Давлат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати нарх-навони эркинлаштириш сиёсатини тайинлади ва қуйидаги чораларни биринчи галдаги деб назарга олди:

Баҳо белгилаш усулининг кейинчалик яхшиланиши ва нарх-наво аҳамиятини бозор регулятори сифатида мустахкамлаш.

Улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш курсининг изчил ўтказилиши, эркин (келишилган) нарх бўйича сотилувчи маҳсулотлар (товарлар) доирасининг кенгайиши.

Ҳаётий муҳим озиқ-овқатлар, биринчи навбатда ун ва нон нарҳини тор доирада давлат томонидан тартибга солишнинг вақтинчалик сақланиши.

Сотиб олиш нархларининг дунё нархлари даражасигача етказиш билан уларни изчил ошиши.

Антимонопол тадбирлар ўтказиш, юқори монопол тузилмаларни нисбатан кичиклаштириш ҳисобига нархларнинг сунъий оширилиб юборилишига йўл қўймаслик бўйича чораларни амалга ошириш, рақобат муҳитини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

Кўрниниб турибдики, баҳо белгилаш механизми нотабиий жараён ёки ўзини ўзи ташкил қилувчи муҳитдир. Нархлар пул муносабатларининг бутун тизими каби иқтисоднинг ҳам макро, ҳам микро даражасидек хўжаликнинг бошқаришнинг муҳим қуроли бўлган, бўлиб қолади.

Мамлакат Президенти И.Каримовнинг «Уй-жой қурилишни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, маълумки, аҳоли ва корхоналар маблағи, деворбоп материаллар ва бошқа маҳсулотлар ажратиш ҳисобига амалга оширилувчи имтиёзли нархлар бўйича бажарилади.

Лекин қурилиш маҳсулоти қурилишда баҳони белгилашга жиддий таъсир кўрсатувчи бошқа соҳа материалларидан анча фарқ қилади. Уларга жумладан, капитал сиғими, индивидуаллик, титул ва титулмас объектлар қуришга бир йўла сарфланадиган ҳаражатлар, уларнинг турлари, вазифалари, қурилишнинг узок муддатли маҳаллий ҳамда табиий шароитларга боғлиқлиги ва бошқаларни киритиш мукин. Бу хусусиятлар сарф-ҳаражатлардаги барпо этилаётган объектлар ёки уларнинг қисмларининг нархдаги фарқини белгилайди. Шунинг учун ҳар бир объектнинг нархи, лойиха смета билан белгиланади. Смета бўйича белгиланган нарх – бу қурилиш маҳсулоти нархидир. Ҳар қандай маҳсулот, жумладан қурилиш маҳсулотининг нархи, истемолчилар (ҳаридорлар) учун улар оқилона режалаштирилган ёки нормалланувчи даромадни ҳисобга олиш билан

жамиятнинг зарурий сарф-харажатларига асосланган арзон ва мақбул ҳисобланади. Агар нархлар бу қоидаларга тўғри келмаса ва ўз моҳиятидан жамиятнинг зарурий сарф-харажатларидан ошиб кетса, уларни харидорларни қизиқишлари ва имкониятларини чеклаб қўйувчи «нархи осмонда» ёки ҳаёлий деб номланади.

Қурилишда баҳони белгилаш тизимини яхшилаш учун биринчи навбатда қуйдагилар зарур:

илмий-техника ютуқларига ва ресурсларни тежаш усуллариغا асосланган, албатта қурилиш сифатига зарар етказмайдиган замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш;

қурилиш қийматини смета бўйича тўғри белгилаш;

Униси ҳам, буниси ҳам, булардан ташқари, кўп жихатдан ишчиларга, уларнинг малакаси, билим даражаси, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлаб чиқариш соҳасидаги тажриба ҳамда маҳоратга боғлиқ.

1.2.Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилаш таркиби, тузилиши ва услублари

Қурилишнинг смета бўйича қиймати – бу лойиҳаларда асос солинган қарорларга мос ҳолда ўша ёки бошқа объектлар ва иншоотларни кўпайтириш учун зарур пул маблағлар миқдоридир. У сметага оид ҳужжатларни ишлаб чиқариш пайтида инвестор (буюртмачи) топшириғи ёки вазифаси бўйича лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланади. Охириги янги қурилиш билан ҳам, амалдаги корхоналар, бинолар ва иншоотларни кенгайтириш ёки қайта қуриш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш зарурияти қоида бўйича, асосан икки ҳолатда пайдо бўлади:

лойиха-сметага оид ҳаражатлар билан ишлаш пайтида, яъни белгиланган ҳужжатларнинг таркибий ва асосий қисми сифатида;

лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш вақтида (ТИА).

Умуман смета бўйича қиймат капитал маблағларни аниқлаш, қурилиш учун маблағ ажратишни топиш, қурилиш маҳсулотларига (келишилган) нархни шакллантириш, бажарилган қурилиш - монтаж ишларига ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади. Смета бўйича қийматлардан келиб чиққан ҳолда қурилган корхоналар, бинолар ва иншоотлар бўйича асосий жамғармалар жорий қилинган биланс қиймати белгиланади.

Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш учун асос бўлиб қўйдагилар хизмат қилади.

- лойиҳага тушунтириш хати;
- лойиҳанинг ўзи ва иш ҳужжатлари, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари кўлами, чизмалари ва ведомости;
- жиҳозларни таснифлаш;
- ишларни бажариш лойиҳалари (ИБЛ) ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари (КТЛ);
- амалдаги смета норматив база;

Ҳисобга олиш ва режалаштириш амалиётидаги қурилишнинг смета бўйича қиймати қуйидаги асосий элементлар бўйича аниқланади.

- қурилиш ишлари;
- жиҳозлар ва монтаж бўйича ишлар (монтаж ишлари);
- машина ва жиҳозларни учун ҳаражатлар
- бошқа ҳаражатлар (лойиҳа - қидирув ва бошқалар);

Пудрат ташкилотлари фаолиятида элементларнинг биринчи икки гуруҳи одатда битта моддага - қурилиш-монтаж ишларига бирикади, улар ўз навбатида қуйидаги қисмлардан ташкил топади: бевосита ҳаражатлар (БХ), устама

ҳаражатлар (УХ) ва режали жамғармалар ёки сметада фойда (Р_ж). Қурилиш маҳсулоти бирлигини аниқлаш ёки қурилиш-мотаж ишларининг ягона смета бўйича қиймати қуйдаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$K_{\text{кми}} = БХ + УХ + Р_{\text{ж}}$$

Бевоста ҳаражатлар ўз ичига қуйидагиларни олади: хом-ашё, маҳсулот ва конструкциялар қиймати, ишчиларнинг иш ҳақи, машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳаражатлари. Уларнинг ҳар бир кўриниши, смета нормалари ва нархлари бўйича ишларнинг кўламини ташкил қилишда бевосита ҳисоб-китоб билан аниқланади.

Устама ҳаражатлар – ишлаб чиқаришнинг умумий шартларини, унинг бошқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларини ташкил этиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг йиғиндисидир. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- маъмурий-хўжалик ҳаражатлари;
- қурилиш объектига хизмат кўрсатиш ҳаражатлари;
- қурилиш майдонларидаги ишларни ташкил этиш ҳаражатлари;
- қолган устама ҳаражатлар (мол-мулкни суғурта қилиш, банк кредитлари бўйича тўловлар, реклама бўйича ҳаражатлар ва бошқалар).

Устама ҳаражатларнинг қиймати бевосита ҳаражатларнинг смета бўйича нархига махсус нормалар билан % ларда белгиланади.

Режали жамғармалар (сметадаги фойда)- бу пул маблағлари йиғиндиси бўлиб, иш таннархига тегишли бўлмаган ва қурилиш маҳсулоти қиймати (нархи)нинг норматив (кафолатли) қисми ҳисобланувчи қурилиш ташкилотларининг алоҳида (умумий) ҳаражатларини қоплаш учун зарурдир. Унинг қиймати бевосита ва устама ҳаражатларнинг йиғиндисидан %ларда ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган сарф-ҳаражатларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги формулалар билан амалга оширилади:

$$B_x = K_{\text{қми}} - UX + P_{\text{ж}};$$

$$UX = ((K_{\text{қми}} - P_{\text{ж}})UX) / (100 + UX);$$

$$P_{\text{ж}} = (K_{\text{қми}} - UX) / 100;$$

Қурилиш маҳсулотларига эркин нархларни шакллантириш шароитида режали жамғармалар нормаси қурилиш машина ва механизмларига хизмат кўрсатувчи ишчи-қурувчилар ҳамда ишчилар меҳнатиға тўлов учун маблағнинг аниқ қийматиға 50% ёки қурилиш-монтаж ишларининг смета бўйича таннархиға 12% ўлчамда белгиланиши мумкин.

$$C_T = K_{\text{қми}} - (K_{\text{қми}} * P_{\text{ж}}) / (100 + P_{\text{ж}})$$

Ққми - қурилиш–монтаж ишларининг (қурилишнинг)смета бўйича қиймати.

Рж – режали жамғармалар нормаси, %.

Смета бўйича таннарх – бу сметаға оид норма ва нархлар бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажаришға кетган ҳаражатлардир. У қурилиш-монтаж ишларини смета бўйича қийматидан режали маблағлар қийматиға қараганда камроқ, яъни

$$C_T = K_{\text{қми}} - P_T,$$

Рт – режадаги маблағларнинг тўлиқ қиймати.

Режадаги таннарх – бу қурилиш монтаж ишларини бажариш учун режалаштирилган сарф-ҳаражатлардир. Режадаги таннарх смета бўйича таннархдан режадаги камайиш қийматича камроқ бўлади. У техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан амалға оширилади ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ва қурилиш маҳсулотини яратишнинг рационал усулларини ташкил этиш ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини амалға оширишға кетиши мумкин бўлган

ҳаражатларни белгилайди. Ишларнинг режадаги таннархи қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_T = K_{\text{қми}} - P_{\text{ж}} - З + Д$$

$K_{\text{қми}}$ – ишнинг смета бўйича қиймати;

$P_{\text{ж}}$ – режадаги маблағлар;

$З$ – таннархнинг режалаштирилган камайиши;

$Д$ – сметадан ташқари ишлар учун тўловлар;

Ҳақиқий таннарх – бу қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун кетган ҳақиқий харажатлар йиғиндисидир. Ҳақиқий харажатлар иложи борида камроқ бўлиши учун қурилиш маҳсулотининг сифатига зарар етказмасдан пудратчи ташкилотлар ресурслардан самарали фойдаланишни кўриб чиқувчи ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари, жонли меҳнат ва техникадан унумли фойдаланиш, бекор туриб қолишлар ва талофатларга йўл қўймасликлари керак.

Ҳақиқий таннархни шакллантириш учун қоида бўйича қурилиш корхонаси бухгалтерияси томонидан бажарилган ишларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу ҳисоб-китоб одатда қурилиш тугагунча ўсиб боровчи услуб билан ҳар бир объект бўйича олиб борилади. Бу ерда қурилиш ташкилоти ҳамда буюртмачи ёки унинг вакили томонидан имзоланган бажарилган ишларни қабул қилиш ишлари муқаррар фойда келтириши мумкин. Бажарилган ишлар ҳисоботини амалга ошириш вақтида мутлоқ ножўя ошириб ёзишлар бўлиб, қурилиш қиймати ва таннархини сунъий ўстириш жавобгарликка тортилади.

1.3. Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари

Фойда– бу қурилиш корхонаси ишчиларининг қўшимча меҳнати билан топилган соф даромад ёки даромад ва маҳсулот (иш,хизмат)нинг тўла таннархи ўртасидаги фарқдир. У корхона молиявий ва ишлаб чиқариш бирқарорлигини

муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Фойда ҳисобига корхоналар ривожланади, ишчиларни моддий рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилади, умуман хўжалик субъектлари ва давлат эҳтиёжлари қондирилади. Ундан ташқари фойда олиш корхона рақобатбардошлигини муҳим шарти ҳам ҳисобланади.

Инвестицион жараённинг турли босқичларида фойданинг қуйидаги турлари аниқланади:

Смета фойдаси – бино, иншоот ва бошқа объектлар лойиҳасида белгиланган фойда;

Режадаги фойда – муайян шартлар учун қурилиш ташкилотлари ҳисобига олинган фойда;

Ҳақиқий фойда – ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган фойда;

Сметата фойдасини бошқача қилиб, қурилиш ташкилотининг режадаги жамғармалари, яъни қурилиш лойиҳасида бириктирилган, уни давлат томонидан кафолатланган даромад деб номланади. У қурилиш машиналари ва механизмларига хизмат кўрсатувчи қурувчи ва ишчилар иш ҳақи қийматининг 50%и ёки лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари таннарининг 12%и ҳисобида белгиланган.

Нарх-навони эркинлаштириш шароитида режадаги жамғармалар (сметага оид фойда) даражаси буюртмачи розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Смета фойдаси кафолатли даромад сифатида қурилиш ташкилотига солиқни, банк кредитлари бўйича фоизларни тўлашга, уй-жой-коммунал хўжалик объектларини сақлашга, ишловчиларни рағбатлантиришни амалга оширига ёрдам беради.

Режадаги фойда остида қурилиш ташкилоти бизнес режасини (ишлаб чиқариш – иқтисодий режасини) ишлаб чиқиш жараёнида белгиланган фойда

тушунилади. Курилиш ташкилоти имзолаган пудрат шартномалари асосида ўз фойдасини мустақил режалаштиради.

Аълоҳида объектлар бўйича режадаги фойда (P_a) қуйидаги формула бўйича: смета фойдаси ёки режали жамғармалар ($P_{\text{ж}}$), иш таннархини камайтириш орқали эришилган режали самара (Э_p) ва буюртмачидан олинган компенсация (K_6) йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

$$P_a = P_{\text{ж}} + \text{Э}_p + K_6$$

Курилиш ташкилотининг ўз кучлари билан бажарилган ишларни буюртмачига топширишдан келиб чиқадиган режадаги фойда (Φ_p) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\Phi_p = \Phi_{\text{рп}} + I_{\text{рт}} + \Phi_{\text{рх}}$$

$\Phi_{\text{рп}}$ – тугалланмаган курилишдаги амалга оширилмаган фойда;

$I_{\text{рт}}$ – режалаштирилган даврдаги ўз кучлари билан бажарилган иш таннархини пасайтиришдан тежаш;

$\Phi_{\text{рх}}$ - режалаштирилган давр охиридаги тугалланмаган курилишда амалга оширилмаган фойда;

Умуман курилиш ташкилоти бўйича режадаги фойда қўшимча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжалик хизматлари кўрсатиш, буюртмачига бажарилган ишлар ва объектларни топширишдан олинган фойда йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

Ҳақиқий фойда – бу белгиланган даврда курилиш ташкилоти ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижасидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_x = H_k - K_{\text{КС}} - T_c$$

Бу ерда:

H_k – келишилган нарх;

K_{KC} – қўшилган қиймат солиғи;

T_c – бажарилган ишларнинг соф таннархи;

Баланс фойдаси қурилиш тишкilotи фаолиятининг ҳамма турлари натижасида олинган фойдани ўз ичига олади. У қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_6 = \Phi_x + \Phi_m + \Phi_d - C_d$$

Φ_x – ҳақиқий фойда;

Φ_m – мол – мулк (акциялар) сотишдан келган фойда;

Φ_d – ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотларни сотишдан келадиган фойда;

C_d – сотишдан ташқари даромадлар;

$$\text{ёки: } \Phi_6 = K_{CK} - T_c - X_6$$

K_{CK} – қурилишнинг смета бўйича қиймати;

T_c – қурилиш ишларининг соф таннархи;

X_6 – сметада кўрсатилмаган буюртмачилар ҳақлари ва имтиёзлари.

Ялпи фойда – бу баланслаштирилган (Φ_6) ва ҳисоб-китоб қилинган (Φ_x) фойда йиғиндисидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_y = \Phi_6 + \Phi_x$$

Ҳисоб-китоб қилинган фойда (Φ_x), маҳсулот (иш, хизмат)ларни паст бозор нархларида сотилиши, молиявий моддий ресурсларнинг бепул олиниши, маҳсулот, иш, хизматларни айирбошлаш вақтида ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу ерда корхона томонидан банк кредити учун фоизлар бўйича тўланадиган маблағ ҳам бўлиши мумкин.

Солиққа тортиладиган фойда ҳам худди ялпи фойда каби ҳисобланади, лекин фарқи шундаки, бу ерда бюджетга солиқлар ва бошқа тўловлар назарда тутилади. Солиққа тортиладиган фойда куйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_{\text{ст}} = \Phi_{\text{я}} - \text{М} - \text{И} - \text{ҚҚ} - \text{ҚД} - \text{Ж}_3$$

Φ_я – ташкилотнинг ялпи фойдаси;

М – мол-мулкка солиқ;

И – ижара ҳақи (агар бу назарда тутилса);

ҚҚ - қимматбоҳо қоғозлар бўйича даромад;

ҚД - қўшимча даромад (ўз хиссаси билан қатнашиш);

Ж₃ – ташкилотнинг захира жамғармаси;

Соф фойда солиқларни (С) тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобланади:

$$\Phi_{\text{с}} = \Phi_{\text{ст}} - \text{С}$$

Соф фойда бозор шароитида молиявий барқарорлик ва ишга лаёқатлилик бўйича қурилиш ташкилотининг ҳақиқий кучларини акс эттиради. Айнан соф фойда ишлаб чиқаришни юксалтириш, ишловчиларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун асосий шарт ҳисобланади.

1.4. Қурилишда рентабеллик ва уни ошириш йўллари

Рентабеллик қурилиш ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткич ҳисобланади. Агар қурилиш ташкилоти, қолаверса ҳар қандай корхона ҳам ўз ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда олса, уни даромадли ҳисоблаш мумкин. Лекин фойда билан қиёсланганда рентабеллик - бу фоизларда ҳисобланувчи нисбий кўрстакдир. Қанчалик маҳсулот ва ишлаб чиқаришга

сарф-харажат кам бўлса, шунча кўп фойда, маҳсулотнинг рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Қурилиш маҳсулотини режалаштириш ва ҳисоблаш амалиётида рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

- смета бўйича рентабеллик даражаси;
- режадаги рентабеллик даражаси;
- ҳақиқий рентабеллик даражаси;

Смета бўйича рентабеллик даражаси смета фойдаси ёки режали жамғармаларни ($P_{ж}$), қурилишнинг (объект, қурилиш-монтаж ишлари, хизматлари) смета қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_1 = P_{ж} / C * 100\%$$

Режадаги рентабеллик даражаси қурилиш ташкилотларининг фаолияти натижалари бўйича истиқболни белгилаш (прогнозлаш) мақсадларига хизмат қилади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_2 = P_{ж} / H_{к} * 100\%$$

$P_{ж}$ — смета фойдаси ёки режали жамғармалар;

$H_{к}$ - қурилиш объектига (бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга) келишилган нарх;

Ҳақиқий рентабеллик - қурилиш тугатилиши ва бажарилган ишлар бўйича бутун ҳисоб-китоблар ўтказишдан кейин белгиланадиган умумлаштирувчи самара кўрсаткичидир. У ҳақиқий фойданинг (Φ_x) қурилишнинг ҳақиқий қийматига (таннархи) (H_x) нисбати сифатида, яъни қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_3 = \Phi_x / H_{к} * 100\%$$

Механизациялашган қурилиш трестлари ва бошқармалари ҳамда ишларни ўз ҳисобидаги машина ва механизмлар парки орқали бажарувчи қурилиш ташкилотлари учун рентабеллик даражаси қуйидаги формула бўйича фойданинг (Фб) асосий ишлаб чиқариш фондлари (Фас) ва айланма маблағлар (Ф_{айл}) йиғиндисига нисбати орқали аниқланиши мумкин:

$$P_4 = \Phi_b / (\Phi_{ac} + \Phi_{айл}) * 100\%$$

Ҳозирги вақтда маҳсулот рентабеллиги даражасини ошириш ва фойдалилигини таъминлаш ҳар бир пудратчи ташкилот учун муҳим масала ҳисобланади, устига устак унинг кўп масалалари ўтмишдаги хўжаликни бошқариш амалиётидек давлат маблағи ҳисобидан эмас, балки хусусий ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан ҳал қилинади. Шунинг учун улар нафақат кўп «ишлаб топишга», фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини оширишга ҳаракат қилишлари, балки, тежашни, хусусий ишлаб топилган маблағдан оқилона фойдаланишни билишлари керак.

Фойдани кўпайтириш ва қурилишда рентабелликни ўстиришнинг ҳар хил йўллари орасида энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- баҳони шакллантириш механизми ва фойдани шакллантиришни такомиллаштириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш фондларидан, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш;
- ишлаб чиқаришнинг ўзвийлигини таъминлаш;
- қурилиш муддатларини қисқартириш ва амалда объектларни ишга туширишни тезлаштириш;
- қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларни сифатини яхшилаш;

Биринчи боб бўйича хулоса

Фойда - қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи якуний кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич бўйича қурилиш корхонасининг молиявий барқарорлиги ва унинг кейинги ривожланиш имкониятлари белгиланади.

Фойда корхона ёки бутун тармоқни рентабеллик даражаси ва зарар кўришини (фойда йўқ вақтида) аниқлаш имкониятини беради. У ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан тўғридан тўғри боғлиқ: қанча ҳаражат кам бўлса (махсулот сифатига зиён етказмасдан), шунча фойда кўп ва рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Қурилишнинг смета қиймати аввалдан кафолатланган фойда нормасини ҳисобга олувчи қурилиш маҳсулотининг нархи ҳисобланади. Қурилишнинг смета қийматини камайтириш – лойиҳаловчи, қурувчи ташкилотлар ва инвестицион жараённинг бошқа иштирокчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Смета қиймати капитал маблағларга талабни белгилаш, буюртмачи томондан молиялаштиришни бошлаш, бажарилган ишларга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида у баҳо белгилашга, инвестицион жараённинг ҳамма босқичларида тежамкорлик режимига амал қилишга, қурилишда ва лойиҳалаштиришда илмий-техникавий тараққиёт ютуқларидан муваффақиятли фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг вазифаси асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватини ўз вақтида ва сифатли ишга тушуриш асосида ҳаражатларни камайтириш, фойдани оширишдир. Рентабеллик кўрсаткичи қурилиш корхонасининг белгиланган самарадорлик натижасида ҳаракат қилишга интилишини акс эттиради.

10-вариант

1	Бош пудратчи буйича йиллик КМИ хажми, минг сум	386 600
2	Уз кучлари билан бажарилган КМИ эгаллаган улуши, %	93.0
3	1 сумлик КМИ га кетган харажат даражаси, тийин	90.5
4	Бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик ишлаб чиқариш, м.сум	15 100
5	Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар), м.сум	+ 1250
6	Жами активлар-нинг уртача йил-лик киймати, м.сум	568 400
7	Асосий активлар-нинг умумий активлар кийма-тидаги улуши, %	17.0
8	Айланма актив-ларнинг умумий активлар кийма-тидаги улуши, %	83.0

II-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ ТАХЛИЛИ

10-вариант

2.1. Қурилиш ташкилоти фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш.

Қурилиш ташкилотлари хўжалик – ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бош пудратчи томонидан бажарилган Қурилиш монтаж ишлари (КМИ) ҳажми; Менинг вариантим бўйича ҚМИ ҳажми 386 600 минг сўм.

2. Ташкилотнинг ўз кучлари билан бажарган КМИ ҳажми; бу Бош пудратчи томонидан бажарилган ҚМИ ҳажмининг % ни ташкил қилади. Яни

$$386\,600 \cdot 0.93 = 359\,538 \text{ минг сўм } 93,0$$

3. КМИ таннарихи;

4. Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони; Бизнинг корзонамизда ишлайлиган ишчилар сони 24 киши

5. Асосий фаолиятдан олинган фойда; бизнинг корхонамиз зарарига ишлаган. +1250 минг сўм

6. Баланс фойдаси (солиқ тулангунгача бўлган фойда).

Бош пудрат бўйича қурилиш – монтаж ишлари бюртмачи билан тузилган пудрат шартномаси асосида аниқланади. Бизнинг ҳолатда бош пудрат ҳажми менинг (10) вариантим бўйича 386 600 минг сўмни ташкил этади. Қурилиш ташкилотларини ўз кучлари билан бажарган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми курс ишимда бош пудрат бўйича иш ҳажмидан 93 фоиз кўринишида қабул қилинган. Демак ўз кучи билан бажарилган иш ҳажми $386\,600 \cdot 93\%$ тенг бўлади.

Ёки $386\,600 \cdot 0.93 = 359\,538$ минг сўмга тенг бўлади.

Қурилиш – монтаж ишларининг ишлаб чиқариш таннарихқуйидаги формула орқали топилади:

$$Y_э = \frac{C_{\text{тан}}}{O_p}; \quad (2.1.1)$$

Бу ерда: $Y_э$ – 1 сумлик бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматида ишлаб чиқариш харажатлари даражаси (тийин); **90,5 тийини ташкил этган.**

O_p – ўз кучи билан бажарилган пудрат ишлари қиймати; Бош пудратчи томонидан бажарилган ҚМИ ҳажмининг 93% га тенг. $386 \cdot 0.93 = 359\,538$ минг сўмга тенг бўлади.

$C_{\text{тан}}$ – қурилиш-монтаж ишлари таннархи йиғиндиси.

Бу ердан қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариш таннархи ($C_{\text{тан}}$) 1 сумлик бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматида ишлаб чиқариш харажатлари даражасини, ўз кучи билан бажарилган пудрат ишлари қийматига купайтирилганига тенг.

$$C_{\text{тан}} = Y_э \cdot O_p \quad (2.1.2)$$

Бизда менинг вариантим бўйича $Y_э$ 359 538 мин сўм ва O_p вариантимда 90,5% га тенг бўлади.

Бизда $Y_э$ ва O_p лар маълум бўлганлиги учун қуйидаги формула орқали топилади:

$$C_{\text{тан}} = Y_э \times O_p = 359\,538 \times 0.905 = 325\,381 \text{ минг сўм}$$

Қурилиш ташкилотининг ўртача рўйхатдаги ишловчилар сони бир ишловчига тўғри келган ўртача йиллик ишлаб чиқариш (**выработка**) бўйича аниқланади:

$$\chi_{\text{ур}} = \frac{O_p}{B}; \quad (2.1.3)$$

Бу ерда: B – бир ишчига тўғри келган ўртача йиллик ишлаб чиқариш (**выработка**), минг сўм

Менинг вариантим бўйича корхонада ишлаётган ишчилар сони наъмолум бўлгандан кейин аниқлашимизга тўғри келади ва уни қуйидаги (2.1.3) формула орқали аниқланади. Бизда B - бир ишчига тўғри келган ўртача йиллик ишлаб чиқариш 14900 минг сўмга тенг.

$$\chi_{\text{ур}} = \frac{O_p}{B} = \frac{359\,538}{15\,100} = 23.81 \text{ киши}$$

Биздаги ҳолат 23.81 киши чиқгани учун умумлаштириб 24 киши қилиб оламиз.

Фойда — ташкилот ишининг охириги натижаси. Унинг катталиги коллективнинг барча ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолияти ҳаракатларидан боғлиқ.

Ташкилотнинг баланс фойдаси — қурилиш ташкилотининг балансида турган (бўртмачига топширилган қурилиш ва монтаж ишлари; маҳсулотни четга сотишдан ёки қурилиш ташкилоти балансида турган хўжаликларга хизмат қилишдан; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ёки ҳаражатлардан) барча хўжалик фаолиятлари натижасида олинган фойда йиғиндисини умумхўжалик фаолият фойдаси ҳисобланади.

2.2. Қурилиш ташкилотининг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш

Қурилиш ташкилотининг ресурс салоҳияти меҳнат ресурслари, асосий активлар, айланма активлари ва номоддий активларни ўз ичига олади.

Қурилиш ташкилотининг асосий активлар билан таъминланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тафсирланади:

- Ишлаб чиқаришни фонд билан қуролланганлиги;
- Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги;
- Ишлаб чиқаришни механизациялашганлиги;
- Меҳнатни механизациялашганлиги.

Ишлаб чиқаришни фонд билан қуролланганлигини менинг вариантим бўйича ўртача қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_{\text{иш}} = \frac{\text{асосий активларнинг ўртача йиллик қиймати}}{\text{ўз кучи билан бажарилган ишлар қиймати}} \quad (2.2.1)$$

Асосий активлар жами активларнинг 17,0 % ташкил этади ва (2.2.1) формулага қўйиб ишлаганимизда қуйидагича аниқланади.

$$\begin{aligned} \Phi_{\text{иш}} &= \frac{\text{асосий активларнинг ўртача йиллик қиймати}}{\text{ўз кучи билан бажарилган ишлар қиймати}} = \frac{96\,628}{359\,538} = 0,2687 \\ &= 26.87\% \end{aligned}$$

Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_{\text{мех}} = \frac{\text{асосий активларнинг ўртача йиллик қиймати}}{\text{ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони}} \quad (2.2.2)$$

Менинг вариантим бўйича Асосий актиаларнинг ўртача йиллик қиймати маълум ва ишловчиларнинг ўртача қиймати ҳам маълум (2.1.3 формулада ишчиларнинг ўртачаси топилган) бўлганлиги ўчун қуйидагича (2.2.2) формулага қўйиб аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \Phi_{\text{мех}} &= \frac{\text{асосий активларнинг ўртача йиллик қиймати}}{\text{ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони}} = \frac{96\,628}{24} \\ &= 4\,026.1 \text{ минг сўмни ташкил қилади} \end{aligned}$$

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни механизациялашганлиги қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$M_{\text{иш.ч}} = \frac{\text{машина ва механизмларни ўртача йиллик қиймати}}{\text{ўз кучи билан бажарилган ишлар қиймати}} \quad (2.2.3)$$

Менга берилган вариантим бўйича машина ва механизмлар хажмини асосий активларнинг ўртача қийматининг 40% ташкил этади. Яни $96\,628 \cdot 0.40 = 38\,651$ ташкил қилади. Бизда демак хаммаси маълум бўлганлиги учун (2.2.3) формулага қўйиб ишлаймиз.

$$\begin{aligned} M_{\text{иш.ч}} &= \frac{\text{машина ва механизмларни ўртача йиллик қиймати}}{\text{ўз кучи билан бажарилган ишлар қиймати}} = \frac{38\,651}{359\,538} \\ &= 0.107 \end{aligned}$$

Меҳнатни механизациялашган кўрсаткичини аниқлаймиз ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_{\text{мех}} = \frac{\text{машина ва механизмларни ўртача йиллик қиймати}}{\text{ишловчиларни ўртача рўйхатдаги сони}} \quad (2.2.4)$$

Курс ишида машина ва механизмларни ўртача йиллик қиймати аниқ ва ишловчиларнинг ўртача рўйхатдагилари ҳам маълум бўлганлиги учун (2.2.4) формулага қўйиб аниқлаймиз.

$$\begin{aligned} M_{\text{мех}} &= \frac{\text{машина ва механизмларни ўртача йиллик қиймати}}{\text{ишловчиларни ўртача рўйхатдаги сони}} = \frac{38\,651}{32} \\ &= 1\,208 \text{ минг сўмни ташкил этади.} \end{aligned}$$

Асосий активлардан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб **фонд кайтими** ҳисобланади ва у яратилган маҳсулот хажмини асосий активларни ўртача катталигига нисбати билан топилади:

$$\Phi O = \frac{B_p}{C_{ac}} \quad (2.2.5)$$

Бу ерда: ΦO – фонд қайтими,

$\overline{C_{ac}}$ – асосий активларни маълум даврдаги ўртачаси.

Бу ерда меҳнат натижасидаги тушумни аниқлаймиз.

$$B_p = 359\,538 - 325\,381 = 34\,157 \text{ минг сўм}$$

Бизда ҳаммаси маълум бўлганлиги учун (2.2.5) формулага қўйиб аниқлаймиз.

$$\Phi O = \frac{B_p}{C_{ac}} = \frac{34\,157}{96\,628} = 0,353$$

Фонд қайтими коэффицентини ўсишига асосий воситаларни нисбатан кичик вазни эвазига, ҳамда уларнинг техник даражасини юқорилиги ҳисобига эришиш мумкин.

Асосий активларни самарадорлигини яна фонд сиғими кўрсаткичи тавсифлайди. У фонд қайтими кўрсаткичига тескари кўрсаткичдир.

$$\Phi C = \frac{\overline{C_{ac}}}{B_p} \quad (2.2.6)$$

Бизда ҳаммаси маълум бўлганлиги учун (2.2.6) формулага қўйиб аниқлаймиз.

$$\Phi C = \frac{\overline{C_{ac}}}{B_p} = \frac{96\,628}{34\,157} = 2.82$$

Фонд сиғими кўрсаткичи қанча кичик бўлса, ёки фонд қайтими қанча катта бўлса, асосий активлардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Айланма активларни асосий активлардан фарқи шундаки, улар ташкилотни ишлаб чиқариш қувватини аниқламайди. Уларни роли айланма воситалар билан таъминлаш бўлиб, ташкилотнинг молиявий ўрнини, молиявий ҳолатини аниқлайди.

Айланма активлардан фойдаланиш кўрсаткичлари бўлиб айланувчанлик коэффицентини, яъни айланиш тезлиги (мартада, йилда неча марта айланиши),

битта айланишни давомийлик кўрсаткичи (кунда) ва бириктириш коэффициенти хизмат қилади.

Активларнинг умумий айланувчанлик коэффициенти, бу коэффитуент ишлаб чиқаришнинг таҳлил қилинаётган давр оралиғида, мос равишда даромад келтирадиган ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли неча марта такрорланишини кўрсатади. Бу коэффициентни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$K_{\text{ум}}^{\text{айл}} = \frac{B_p}{\overline{C_{\text{ак}}}}(2.2.7)$$

Бу ерда: $K_{\text{ум}}^{\text{айл}}$ – умумий айланувчанлик коэффициенти;

B_p – сотувдан тушган тушум;

$\overline{C_{\text{ак}}}$ – маълум давр учун барча активларнинг ўртачаси

Менинг вариантим бўйича маълум давр учун барча активларнинг ўртачаси маълум 568 400 минг сўмга тенг бўлганлиг учун (2.2.7) формула орқали аниқлаб оламиз.

$$K_{\text{ум}}^{\text{айл}} = \frac{B_p}{\overline{C_{\text{ак}}}} = \frac{34\,157}{568\,400} = 0.06 \text{ минг сўм}$$

ни ташкил этади.

Айланма активларнинг айланувчанлик коэффициенти белгиланган давр оралиғида ташкилотнинг моддий ва пул ресурсларининг айланиш тезлигини кўрсатади ва у қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{к.айл}}^{\text{айл}} = \frac{B_p}{\overline{C_{\text{к.айл}}}}(2.2.8)$$

Бу ерда: $K_{\text{к.айл}}^{\text{айл}}$ – айланма капитални айланувчанлик коэффициенти;

$\overline{C_{\text{к.айл}}}$ - маълум давр учун айланма капиталнинг ўртачаси

Менинг вариантим бўйича активларнинг ўртача йиллик қийматининг 83% ни айланма активларнинг умумий активлар қийматидаги улиши ташкил этади. Яъни $568\,400 \cdot 83\%$ ёки бўлмаса $568\,400 \cdot 0.83 = 471\,772$ минг сўмни ташкил этади.

Демак бизда хаммаси маълум бўлганлиги учун (2.2.8) формулага қўйиб аниқлаймиз.

$$K_{\text{к.айл}} = \frac{B_p}{C_{\text{к.айл}}} = \frac{34\,157}{471\,772} = 0.0752 \text{ минг сўм}$$

ни ташкил қилар экан.

Айланма активларнинг битта айланиш муддатини (давомийлиги) қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T = \frac{T_{\text{хис.давр}}}{C_{\text{к.айл}}} \quad (2.2.9)$$

Вариантимиз бўйича бир йилда иш кунини 236 кун деб оламиз ва қуйидаги формулага қўйиб аниқлаб оламиз.

$$T = \frac{T_{\text{хис.давр}}}{K_{\text{к.айл}}} = \frac{252}{0.072} = 3\,500 \text{ кун}$$

Айланма активларнинг бириктириш коэффиценти айланувчанлик коэффицентиға тескари коэффицент бўлиб, у қурилиш монтаж ишларини (КМИ) амалга ошириш натижасида олинган хар бир сўм тушумиға канча айланма воситалари тўғри келганини кўрсатади.

Қурилиш ташкилотининг ресурс солоҳиятидан фойдаланишни ҳисобланган кўрсаткичлари жадвалда келтирилади:

1- Жадвал

Қурилиш ташкилотининг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Катталиклар
1.	Активларнинг умумий айланувчанлик коэффиценти	0.06
2.	Фонд қайтими кўрсаткичи	0.353
3.	Фонд сиғими коэффиценти	2.82
4.	Айланма активларнинг айланувчанлик коэффиценти	0.0752
5.	Айланма активларнинг битта айланиш давомийлиги	3500
6.	Айланма активларнинг бириктириш коэффиценти	13.81

2.3. Айланма капиталга бўлган эҳтиёжни аниқлаш

Фойдалилик – бу бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш фаолиятининг энг асосий ва энг муҳим мезонидир. Унинг ўлчами қурилиш бозорида тартибловчи ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойдани ишнинг хажмига нисбати орқали фойдалилик даражасини баҳолаш қурилиш ташкилотларининг иш натижаларини тўлиқ таасаввур қилишга имкон бермайди. Ишлаб чиқариш жараёнларини сезиларли узоқ давомийлиги, бюртмачи томонидан тўловлар бажарилган ишнинг қисмлари бўйича берилиши ва х.к., турли даврдаги харажатларни бир бирига мос келмаслиги, инфляция таъсирини ҳисобга олмайди. Шу сабабли иқтисодий жараёнларни объективлигини юқори даражада кўрсата оладиган ёндошув зарур.

Бозор муносабатлари шароитида бажарилган иш учун ҳисоб-китоблар даврида, яъни айланма капиталга нисбатан, фойдани пудратчини ўз маблағлари ва қарзга олинган маблақларга нисбати меъёрини аниқлаш зарур. Шундай қилиб, фойдалиликни баҳолаш учун қуйидаги омилларни эътиборга олиш зарур:

1. Фойда миқдори;
2. Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб даври;
3. Қурилиш ташкилотининг айланма капитал миқдори.

Пудратчи томонидан айланма капитали қуйидаги мақсадлар учун ишлатилади:

- материаллар харид қилиш учун;
- иш ҳақини тўлаш учун;
- жалб қилинган қурилиш техникалари бажарган иши учун тўловлар;
- субпудрат ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар;
- кредит учун фоиз туловлари;
- солиқлар, дивидентлар учун туловлар;
- захира фондини ташкил қилиш;
- қурилиш майдончасидаги устама харажатлар.

Айланма капиталнинг зарурий миқдори бир қатор омилларга боғлиқ:

- Узаро ҳисоб-китоблари амалга ошириш шартлари;

- Қарздорликни **мумкин булган** (допустимый) муддати;
- Моддий ресурслар захираси ва б. булган эhtiёж.

Айланма капиталқуйидаги эhtiёжлар учун керак бўлган пул маблағларидан шаклланади:

- Бюртмачи туловларини кечиктириш;
- Пудратчини аванс тўловлари;
- Материаллар захираси;
- Тугалланмаган ишлаб чиқариш.

Ундан ташқари, пудратчини контрагентларга тўлайдиган туловларини кечиктириши ҳисобланади. Бу айланма капитални зарурий суммага камайтиради.

Юкорида кўрсатилган эhtiёжлар учун айланма капитални эстеъмол хажмини ҳисоблаш қуйидаги қўлланма бўйича амалга оширилади:

1. Бюртмачининг кечиктирилган тўловлари – бюртмачининг доимий қарздорлиги ($Z_{зак}$) билан боғлиқ бўлган айланма капиталга эhtiёж қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Z_{зак} = \frac{O_p * P_{нл}}{N} \quad (2.3.1)$$

Буерда: O_p – қурилиш-монтажташкilotларитомониданбажарилганКМИЙилликхажми;

$P_{нл}$ – шартномамажбуриятларигақўрабюртмачитомониданбажарилганишларгатўловлардаври (ҳисоб-китоблар), ҳафта. Ҳисоб-китобларда 5ҳафтақабулқилинсин.

N – ҳисоб-китобдавридагимумийҳафталарсони. $N_{год}=52$ ҳафта.

Бизда хаммаси маълум бўлганлиги учун жой жойига қўйиб (2.3.1) формула билан ҳисоблаймиз.

$$Z_{зак} = \frac{O_p * P_{нл}}{N} = \frac{359\,538 \times 5}{52} = 34\,571 \text{ мингсўм}$$

2. Қурилишпудратташкilotлариаванс тўловлариучунайланмакапиталга эhtiёж ($A_{пл}$): солиқлар, суғуртабадаллари, ижаратўловларивабошқалар. Курс ишида $A_{пл} = 1,5\%$ ни бажарилган қурилиш-монтаж ишлари хажмидан (O_p) тенг деб олинсин.

Бу хажмни қурилиш монтаж ишлари фоизига тенг деб қабул қиламиз. Яъни:

$$A_{пл} = 359\,538 \times 0.015 = 5\,393 \text{ мингсўм}$$

3. Материал захираларини харид қилиш учун айланма капиталга бўлган эҳтиёжлар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M_{зан} = \frac{O_p * Y_{зан} * P_{пл}}{N} (2.3.2)$$

Бу ерда: $Y_{зан}$ – материаллар захираси қийматининг эгаллаган вазни, %. Курс ишида бажарилган иш хажмидан 20 % деб оламиз.

$P_{пл}$ – туловлар даври, 5 ҳафта деб қабул қилинсин ва (2.3.2) формула қўйиб аниқлаймиз.

$$M_{зан} = \frac{O_p * Y_{зан} * P_{пл}}{N} = \frac{359\,538 \times 0.1 \times 5}{52} = 6\,914 \text{ мингсўм}$$

4. Тугалланмаган ишлаб чиқариш учун айланма капиталга эҳтиёж ўз ичига пудратчи томонидан бажарилган, лекин ҳали бюртмачи томонидан тўланмаган иш қийматини; ишлатилган материаллар қиймати, қурилиш ташкилотининг устама (накладные) харажатлари ва меҳнат ҳақи тўловларини олади. Улар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$H_{np} = \frac{O_p * P_{н.п.}}{N} (2.3.3)$$

Бу ерда: $P_{н.п.}$ – тугалланмаганишлабчиқаришхаражатларинибуюртмачитомониданкомпенсациял ашдаври. 4ҳафтадеболинсин ва (2.3.3) формулага қўйиб аниқлансин.

$$H_{np} = \frac{O_p * P_{н.п.}}{N} = \frac{359\,538 \times 4}{52} = 27\,656 \text{ мингсўм}$$

5. Пудратчининг ўз контрагентлариганисбатанкечиктирилган тўловлари, электроэнергия учун кечиктирилган тўловлар, телефон ва бошқа хизматлар учун кечиктирилган тўловлар, ҳамда пудратчининг доимий қарздорлиги билан боғлиқ бўлган маблағлар йиғиндиси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{подр} = \frac{O_p * P_n}{N} + Z_{усл} (2.3.4)$$

- Коммунал тўловлар
- Ташкилотнинг доимий қарздорлиги билан боғлиқ тўловлар .

Бу ерда: P_n – пудратчининг кечиктирилган тўловлари. Маълумотлар бўлмаган тақдирга 4 ҳафта деб олинсин.

$Z_{усл}$ – пудратчининг электроэнергия, телефон ва бошқа хизматлар учун кечиктирилган тўловлари билан боғлиқ бўлган маблағлар йиғиндиси. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан (O_p) 1.5 % га тенг деб олинсин.

Бу маблағлар (2.3.4) формула орқали аниқланади.

$$З_{подр} = \frac{O_p * П_n}{N} + З_{усл} = \frac{359\,538 \times 4}{52} + З_{усл} = 27\,656 + 6\,914 = 34\,570 \text{ мингсўм}$$

Айланма капиталга бўлган эҳтиёжнинг умумий йиғиндиси қуйидагилардан ташкил топади:

$$K_{об} = З_{зак} + A_{пл} + M_{зан} + H_{пр} - З_{подр} \quad (2.3.5)$$

Бизда хаммаси маълум бўлганлиги учун жой жойига қўйиб ҳисоблаймиз.

$$\begin{aligned} K_{об} &= З_{зак} + A_{пл} + M_{зан} + H_{пр} - З_{подр} \\ &= 34\,571 + 5\,393 + 6\,914 + 27\,656 - 34\,570 = 74\,534 - 34\,570 \\ &= 39\,964 \text{ мингсўм} \end{aligned}$$

Бажарилган ҳисоб-китоблар қуйидаги жадвалга киритилади:

2-жадвал

Қурилиш ташкилотининг 2015__ йилдаги айланма капитали истеъмолини ҳисоблаш

№	Харажатлар	Маблағлар йиғиндиси, минг сўм
1.	Бюртмачининг кечиктирилган тўловлари (З _{зак})	34 571
2.	Пудратчининг аванс туловлари (А _{пл})	5 393
3.	Материаллар захираси (М _{зан})	6 914
4.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш (Н _{пр})	27 656
	Жами:	74 534
5.	Пудратчининг кечиктирилган тўловлари (З _{подр})	34 570
	Жами айланма капитал:	109 104

2.4. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш ташкилотларининг фаолияти имкониятлари ва фойдалилик даражасини баҳолаш.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш ташкилотининг фойдалилиги таҳлил қилинаётган даврда олинган фойдани (П) пудратчининг бажарган ишларини ҳисоблаш давридаги капиталига, яъни айланма капиталига (K_{об}) нисбати орқали топилади:

$$Y_{пр} = \frac{П}{K_{об}} * 100\% = \frac{1250}{39\,964} = 3.12 \%$$

Бу ерда: П – қурилиш ташкилотининг таҳлил қилинаётган даврдаги фойдаси;

$K_{об}$ – қурилиш ташкилотининг айланма капитали.

Келгуси режа йилда ташкилотнинг фаолияти натижалари фойда билан яқунлашимиз керак. Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотининг нормал фаолият кўрсатиши учун фойдалилик даражаси 5% дан кам бўлмаслиги керак.

2.5. Қурилиш ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Қурилиш ташкилоти ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- маҳсулот реализацияси рентабеллиги;
- активлар тўпламининг рентабеллиги;
- асосий активлар рентабеллиги;
- айланма активлар рентабеллиги;

Капитал рентабеллиги коэффициентлар гуруҳи ташкилотни фойда олиш мақсадида ўз капиталини қандай самарали ишлаётганини кўрсатади.

Асосий фаолиятнинг рентабеллик коэффициенти – маҳсулот реализацияси рентабеллиги – айнан корхонанинг асосий фаолияти рентабеллигини кўрсатади. Бу асосий фаолиятдан олинadиган баланс фойдаси тушумларини режалаштириш ва самарадорлигини аниқлашга йрдам беради. Маҳсулот реализацияси рентабеллиги *асосийфаолиятдан олинган фойда* ва *маҳсулот реализациясидан тушган тушумга* боғлиқ бўлиб, қуйидагича ҳисобланади:

$$R_{np} = \frac{\text{асосийфаолиятдан олинган фойда}}{\text{маҳсулот реализациясидан тушган тушум}} * 100\% = \frac{1250}{34\,157} = 3.6 \%$$

Активлар тўплами рентабеллиги кўпроқ умумий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу коэффициент жалб қилинган маблағлар манбаидан қатъий назар корхона томонидан 1 сўм фойда олиш мақсадида қанча пул маблағлари жалб қилганини кўрсатади. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$R_{акт} = \frac{\text{солиқолингунгача бўлган фойда}}{\text{жами активларнинг ўртача миқдори}} * 100\% = \frac{1250}{568\,400} = 0.2 \%$$

Асосий активлар рентабеллиги асосий активлар қийматининг ҳар бир сумига қанча фойданинг пул бирлиги тўғри келишини кўрсатади. У қуйидагича аниқланади:

$$R_{oc.ак.} = \frac{\text{солиқолингунгачабўлганфойда}}{\text{асосийактивларнингўртачамиқдори}} * 100\% = \frac{1250}{96\,628} = 1.29\%$$

Айланма активлар рентабеллиги коэффициенти ёрдамида айланма активларнинг ишланган ҳар бир сўми асосида баланс фойдаси ҳисобланади. Динамика қаторларни таҳлилида коэффициентларни миқдорий катталиги, уни корхона томонидан ишлатилишида самарадорликни ўзгаришини кўрсатади. Бу коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R_{об.ак.} = \frac{\text{солиқолингунгачабўлганфойда}}{\text{айланмаактивларнингўртачамиқдори}} * 100\% = \frac{1250}{471\,772} = 0.26\%$$

Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблашни қуйидаги жадвалда амалга ошириш керак:

3-жадвал

Қурилиш ташкилотининг 2014 йилдаги рентабеллик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Чиқиш маълумотлари			
1.	Маҳсулот сотувидан тушган тушум	минг сўм	34 157
2.	Асосий фаолиятдан олинган фойда	минг сўм	1250
3.	Баланс фойдаси	минг сўм	1250
4.	Жами активларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	568 400
5.	Асосий активларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	96 628
6.	Айланма активларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	471 772
Рентабуллик кўрсаткичлари			
1.	Маҳсулот сотиш рентабеллиги	%	3.6%
2.	Жами активлар рентабеллиги	%	0.21%
3.	Асосий активлар рентабеллиги	%	1.29%
4.	Айланма активлар рентабеллиги	%	0,26%

Хисобланган рентабеллик кўрсаткичлари ўтган йилнинг кўрсаткичларлари билан солиштирилади, ухшаш қурилиш ташкилотлари ёки ўртача тармок кўрсаткичлари билан солиштирилади.

2.6. Маржинал таҳлил асосида қурилиш ташкилотлари фаолиятининг зара билан кўриб ишламаслигини режалаштириш.

Муҳим бошқарув қарори бўлиб корхонанинг тўғри асосланган ва ўрнатилган ишлаб чиқариш дастури хисобланади. У асосида қандай ҳажмларда ишлаб чиқариш рентабелли ва қандай ҳажмларда фойда бермаслигини кўрсатади.

Шу мақсадда қуйидагилар хисобланади:

а) корхонанинг доимий харажатларини тўлиқ қоплайдиган зарарсиз сотиш ҳажми;

б) қурилиш ташкилотининг керакли фойда миқдорини кафолатлайдиган қурилиш маҳсулоти сотиш ҳажми;

в) ташкилотнинг молиявий барқарорлиги захираси – корхонанинг хавфсизлик ҳудуди.

Маҳсулот сотиш ҳажмининг критик ҳолати қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$B_{кр} = \frac{\text{доимийхаражатлар}}{\text{маржиналдаромадулуши}} \quad (2.6.1)$$

Бизнинг корхонамизда – чиқгани учун, бош пудратчи бўйича йиллик ҚМИ ҳажмининг 5% деб оламиз.

Яъни $386\,600 \cdot 0.05 = 19\,330$ минг сўм.


Маржинал даромадни = доимий харажатлар + бош пудратчи бўйича йиллик ҚМИ ҳажмининг 5% га тенг.

Бизда ҳаммаси маълум бўлганлиги учун қуйидаги (2.6.1) формулага қўйиб аниқлаймиз.

$$B_{кр} = \frac{\text{доимийхаражатлар}}{\text{маржиналдаромадулуши}} = \frac{34\,570}{34\,570 + 19\,330} = 0.641$$

Маржинал даромад баланс фойда ва доимий харажат йиғиндисидан ташкил топади.

Бир қатор чет эл муаллифлар ишлаб чиқариш ҳажмининг критик ҳолатини рентабеллик чегараси деб аташади. Уни ҳисоблаш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади. Ишлаб чиқаришни амалдаги ҳажми билан критик ҳолат ўртасидаги фарққанча катта бўлса, ташкилотнинг “молиявий мустаҳкамлиги” шунча юқори бўлади. Бундан эса унинг молиявий барқарорлиги келиб чиқади.



Қурилиш ташкилотининг фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

4-жадвал

№	Кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	2	3	4
1	Бир йилда бош пудратчи томонидан бажариладиган ҚМИ ҳажми	Минг сўм	386 600
2	Бир йилда ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажми	Минг сўм	359 538
3	Баланс фойдаси	Минг сўм	+ 1250

4	Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	Ишчи (ходим)	24
5	Бир ишчига тўғри келдаиган ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	Минг сўм	15 100
6	Фойдалилик даражаси	%	3.12
7	Махсулот сотуви рентабиллиги (фойдалилиги)	%	3.6
8	Зарарсизлик ишлаб чиқариш ҳажми	Минг сўм	0.641
9	Молиявий захира кўрсаткичи	%	

“Молиявий мустаҳкамлик захираси”, сотувдан тушган амалдаги тушум билан ишлаб чиқаришнинг критик ҳолатига мос келувчи тушум ўртасидаги фарк асосида, ёки шу фарқнинг тушумнинг амалдаги даражасига бўлиш орқали ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамлик захираси, ташкилотнинг молиявий ҳолати учун жиддий зарар келтирмайдиган сотишдан тушган тушумни қанчагача пасайтириш мумкинлик даражасини кўрсатади.

ХУЛОСА

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида капитал қурилишда шартнома муносабатларини янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлиги учун инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг маъсулиятини ошириш мақсадида иқтисодий инқрозни олдини олиш ва юмшатиш борасида дастурда келтирилган бўлимлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир корхонада менежмент самарадорлигини ошириш мақсад қилиб қўйилди.

Курс ишида қилинган ҳисоб китобларга кўра, қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариш таннари 325 381 сўмни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришни фонд билан қуролланганлик 4 026 сўмни ташкил қилди, активларнинг умумий айланувчанлик коэффициенти 0,06 сўмни ташкил қилди, жами айланма капитал 109 104 сўмни ташкил қилди.

Капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштириш танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш ва шунингдек кўпгина бошқа йўналишлар белгиланган. Бундан кўриниб турибдики ҳозирги пайтда қурилишда бошқарув ва ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш замон талабидир.

Жамиятнинг келгусидаги иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун аввало жамият тасарруфида қоладиган соф фойда улушининг оширилиши зарур. Фикримизча, бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш;

- эскирган асосий воситаларни янгилаш, янги технология жалб қилиш ва маҳсулот сифатини яхшилаб экспортбоб маҳсулот ишлаб чиқариш керак;
- корхонада ишлаб чиқариш захираси ва меҳнат сарфидан келиб чиқиб, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш;
- корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш;
- кадрлар малакасини ошириш, керакли мутахассисларни танлаш ва маъмурий харажатларни камайтириш керак;
- корхона замонавий менежмент усулларида: ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий усуллари айланиб, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини юмшатишга мослаштирган ҳолда такомиллаштириш;
- корхонада бошқарув тизимини модификация қилиш ёки қайтадан кўриб чиқиш керак;
- жамиятни юқори даражада унум билан бошқариш учун коммуникация, маркетинг таъминоти ва қарор қабул қилиш тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим;
- корхона қошида бозорни ўрганувчи маркетинг хизмати бўлимини ташкил этиш, корхонанинг ҳозирги аҳволидан келиб чиққан ҳолда истиқболи бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- жамият тасарруфидаги бўш турган асосий фондларнинг бир қисмини лизинг ва ижара шартномалари орқали ҳаракатга тушириш лозим;
- жамиятнинг объектларни топширишда ўзаро ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда замонавий ҳисоб-китоб шаклларида, масалан, факторинг хизматларида фойдаланиш орқали ривожлантириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 24.10.2003 й. № 463
2. «Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 6б-илова
3. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.
4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисидаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
5. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
6. «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши 2014-2015 йил 1-чорак асосий яқунлари тўғрисида» // Халқ сўзи,
7. Н.А. Зайцев. Корхона саноати иқтисодиёти. М., “ИНФРА-М”, 1996
8. В.Ж. Дубровский, Б.И. Чайкин. Корхона (фирма) иқтисодиёти ва бошқаруви. Екатеринбург, 1998.
9. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.
10. Махмудов Э.Х. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2009.
11. “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муаммолари ва ечимлари”. Республика илмий-амалий анжумани натижалари бўйича илмий тўплам. Т.: 2008й.
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “1997-2010 йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик тўпламлари.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009-2010 йиллардаги маълумотлари.
14. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
15. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси)
16. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
17. www.stroyinfo.uz (Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш Маркази сайти)